ТИЛ ВА ТАФАККУР ЯХЛИТЛИГИДАН НУТҚИЙ ВОҚЕЛИККА

Д. Рустамова

Мақола тил ва тафаккур муносабатларида нутқий воқеланиш унсурлари масаласи, шунингдек, тафаккур ва нутқ яхлитлигида кечувчи когнитив жараёнларни ёритишга бағишланган.

Калит сўзлар: *тил, тафаккур, нутқий воқелик, унсур, миллий нигоҳ, шахсий нигоҳ, табу, эвфема, фонологик босқич, кузатиш.*

ТИЛШУНОСЛИК

Данная статья посвящена анализу реализации речи в отношениях языка и мышления. Так же рассматриваются когнитивные процессы, протекающие в единстве мышления и речи.

Ключевые слова: *язык, мышление, реализация речи, элемент, национальный взгляд, личный взгляд, табу, эвфемизм, фонологический этап, наблюдение.*

This article is devoted to the analysis of realization of speech in relations of language and thinking, and the cognitive processes between the unity of thinking and speech are reviewed. Alongside with it it displays the unity of thinking and speech born in the cognitive processes.

Key words: *language, thinking, speech reality, elements, national look, personal look, taboo, euphemism, phonological phase, observation,*

С.Д.Кацнельсон томонидан тил ва тафаккур муносабати лингвистик асосларда кенг ва чуқур ўрганилган. Олим инсон тафаккурининг бирламчилигини ва унинг нутқий воқеланишгача бўлган босқични ташкил этишини уқтиради[3.3-30]. Албатта, олим бунда лисоний фаолиятнинг фақат бир турини, яъни нутқ сўзлаш жараёнини назарда тутади. Ҳолбуки, нутқий фаолият, лисоний фаолиятнинг бир кўриниши сифатида сўзлаш ва тинглаш/эшитишдан иборат (ёзиш ва ўқиш нутқий фаолиятнинг ёзма турига хослигини эслатиб ўтамиз, холос.).

Нутқий босқичгача бўлган тафаккур жараёни узвий кетма-кетликдаги уч босқичда кечади:

1) биринчи босқич фикр асосларини қабул қилиш босқичи. Шахс тактик сезги аъзолари ёрдамида борлиқнинг тегишли ҳодисаларини кузатади, эшитади, сезади ёки ҳис қилади. Бу сенсор таъсир умуммиллий ва умуминсоний бўлиб, универсаллик тусига эга. Сезим объектлари онгдаги ўзларига мос ва мувофиқ стереотипларни “қўзғайди”, уларни янги фикрни ҳосил қилиш учун ишга солади – ҳаракатга келтиради. Бу психологик жараён ўта мураккаб бўлиб, кўп ҳолларда бошқарилмайди – ўзига хос объектив оқим сифатида кечади. Бунинг ёрқин ифодасини Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Кумушнинг заҳарланиши эпизодида яққол кўриш мумкин:

– Заҳар ичибти!

Отабек сапчиб кетди, ***туси қўрқунч ҳолга кирган эди****...*

– Бекор гап!

Табиб Отабекнинг ҳозирги ҳолатидан ***даҳшатка келди****...*

– Мен ҳозир дафъи учун дору юбораман, – деди ва қўзғалди. Отабек ҳам унинг билан биргалашиб ўрнидан турди:

– Заҳарни ким беради?

Нима дейишка ҳам ҳайрон табиб:

– Ман... ман... ўзингиз ўйлаб кўринг-чи... Ман даррав дору юборай, даррав ичиринг, тузикми? – деди.

– Билдим, билдим! – деди бечора Отабек. – Зайнаб, Зайнаб, Зайнаб... ***Жалаб****!Юборинг, юборинг, даррав юборинг!*

Жаҳл келса, ақл қочади деганларидек, ушбу ҳолат кузатиш-қабул қилиш-баҳолаш-ифодалаш узвий кетма-кетлигини ифодаловчи, шахснинг табиий сифатлари намоён бўлишининг ёрқин мисолидир. Шахсий феъл-атвор ана шундай ўта қалтис жараёнда ҳар қандай “маданий безак”лардан холи ҳолда табиий тусини намоён қилади. Матндаги муаллиф нутқига тегишли *туси қўрқунч ҳолга кирган эди, даҳшатка келди* ва Отабек тили билан айтилган *жалаб* ифодалари бу жараённи тасаввур қилиш учун етарли.

Халқ оғзаки ижодида бу ҳолат тиниқ миллий-маданий стереотиплар асосида ўз лисоний қиёфасига эга бўлади:

Қора ерлар қоттими-я, жон болам,
Қовурғачанг боттими-я, жон болам,
Эна деган тилларингдан, жон болам,
Энанг ўлса, бўлмасмиди, жон болам,

Қирқ кокилинг қирқ тахтага олинди,
Сепликкинанг узун дорга солинди,
Кумуш тананг тупроқларга беланди,
Энанг ўлса, бўлмасмиди, жон болам,

Очилмади ўн гулингдан бир гулинг,
Сайраб қолди ўтовингда булбулинг.
Ҳеч ким кўрмас энди сенинг қиз-улинг,
Энанг ўлса, бўлмасмиди, жон болам,

(Матнни тадқиқотчи Анвар Омонтурдиев Бойсун тумани Мачай қишлоғида яшаган 80 ёшли машҳур гўянда Тошбиби Янгибой қизидан ёзиб олган.)

Ўлим жараёнини ўзида ҳис этган ёзувчи нутқида ҳам бевосита унинг иштирокчиси бўлгандагидек лисоний унсурлар пайдо бўлади. Бу психологик жараённи тасвирлаган адиб ўзини транс ҳолатида ушбу ҳолатга гувоҳ қилади:

Амир утративший звуки, безмолствовал. Он исчез, его не стало, на его месте остался только бушующий огненный мрак. Не веря своим глазам, Бостон наклонился над телом сына, залитым алой кровью, медленно поднял его с земли и, прижимая к груди, попятился назад, удивляясь почему-то синим глазам издыхающей волчицы. Потом повернулся и, онемев от горя, пошел навстречу бегущим к нему женщинам.

Ему почудилось, что жена его растет у него на глазах, и вот уже ему навстречу идёт гигантская женщина с огромным деформированным лицом, простирая к нему огромные деформированные руки.

Он брел как слепой, прижимая к груди убитого им малыша. За ним, воя и причитая, брела Гулюмхан, её поддерживала под руку голосящая соседка. (Чингиз Айтматов, “Плаха”) [1.112]

Бу жараёнда миллий ёки шахсий нигоҳ уйғонади. Миллий нигоҳ стереотипларнинг ишга тушиш жараёнида реаллашади. Зеро, ҳамма бир хил кўради, лекин турлича баҳолайди, деганда, ана шу миллий ёки шахсий нигоҳнинг ўзига хослиги назарда тутилади. Миллий ёки шахсий дунёқараш, савия миллий ёки шахсий интенция билан уйғунлашади, уларнинг борлиқ ҳодисасини баҳолашида ҳамкорлиги ҳар доим муқаррардир. Ҳар кимнинг ўз “қаричи” деганда, ана шу дунёқараш ва мақсад (интенция) яхлитлигини тушунмоқ лозим. Албатта, кузатиш ва қабул қилиш босқичлари орасига чегара қўйиш, уларни бир-биридан мустақил ҳолда баҳолашга интилишдан йироқмиз, бироқ соғлом ақл мазкур кетма-кетликдаги компонентларни нисбий мустақилликда олиб қараш имкониятига ҳам эга.

2) иккинчи босқич фикрий жараён бўлиб, киши онгида миллий ёки шахсий нигоҳ асосида қабул қилинган ахборотнинг қайта ишланиши ва унга баҳо берилиши. Баҳо бериш, муносабат онг остида қатланиб ётган шахсий билимлар, миллий қадриятлар, мезонлар, тутумлар ёрдамида, бошқача айтганда, миллий асосдаги шахсий фокус ёрдамида амалга оширилади. Бу босқич фикр маҳсули билан ўзининг пировард натижасига эришади;

3) учинчи босқич лексик-морфологик шаклланиш ва синтактик тизилиш босқидир. Бошқача айтганда, бирликларнинг танланиши босқичидир. Бу жараённи шахснинг лисоний фаолият жараёни дейиш мумкин. Фикрлаш жараёнида ҳаракатга келган ўзига хос установкалар – шахсий билимлар, миллий қадриятлар, мезонлар, тутумлар тил бирликларини танлаш жараёнида янада кўпроқ ҳаракатга келади. Ахир, фикр номоддий, унда ҳеч бўлмаганда “уялиш”, “қўрқув” тамойили маълум даражада четга сурилиши ёки кучсизланиши мумкин, лекин моддийлик тусидаги нутқда “уят”, “қўрқув” омили кучлироқ ҳаракат қилади, умуман олганда, у фикрнинг “қалтис” маҳсулини ифодаловчи тил бирликларининг танланишида фаоллашади. Этнограф Н.Г.Михайловская Ханти-Манси, Нанай, Чукот, Нивх каби Узоқ Шарқ қабилалари этноҳаётида кўпгина тил воситалари қўрқув асосида табулаштирилган шаклда сақланиб қолганини, бу қабилалар айиқ, бўри, йўлбарс, қоплон сингари йиртқич ҳайвонларни аташда кишиларга яхшилик келтирувчи сўз ва ибораларни қўллаганларини таъкидлайди. Масалан, *убили* сўзи ўрнида *низвели*, *медведь* сўзи ўрнида *добрый*, *хозяин леса* (ўрмон эгаси), *таёжный гигант*, *таёжный великан* (тайга каттакони), *лохматый* (пахмоқ) каби эвфемизмларни қўллашган. Бунда жўғрофий муҳит ноқулайликлари олдидаги ожизликлар фикрий фаолиятдан нутқий мулоқот амалиётига кўчган. Мистик тасаввурлар натижасида фольклорда ёмонлик келтирувчи *росамахи, тулмах* каби тушунчаларни ифодалаш учун *хитрый, злой, вор* сўзларини, *айиқ орқасидан кетди, айиқ овлаб кетди* ифодалари ўрнида *они пошли по следу росамахи* эвфемик воситаларини қўллаганларини айтиб ўтади. Шунингдек, Н.Г.Михайловскаянинг юқоридаги қабилалар ўзларини табиат, ўсимлик, ҳайвонот оламидан ажрата олмаганларини, масалан, айиқлар ҳам одам каби яшайди, болалайди, ўсади, ўлади, уларнинг ҳам яхши-ёмони бор деб тушунганларини, болали айиқларни ўлдирмаганларини қайд қилган[4].

С.П.Вайнштейн таъкидлашича, “қўрқув” омили таъсирида жуда кўп халқларда, жумладан, туваларда, атоқли отлар эгаларини, болаларни ёмон руҳлардан сақлаш воситаси деб қараганлари туфайли, уларнинг номи тилга олинмаган ёки улар “кўча номлари” билан қайта аталган [2.128-131]. Бу одат дунёнинг кўпгина халқларида мавжуд, хусусан, хотин эри ва унинг қариндош-уруғлари номини айтмаслиги мамлакатимизнинг турли ҳудудларида учрайди. Масалан, Тоғли Бойсун тожикларида учрайдиган *Абдуров Аброр Абдурович*, *Акаев Ака Акаевич, Бобо, Амак, Тағо*, *Ато* сингари исм ва ота исми, фамилиялари фикримизга далил бўла олади.

Фонологик босқичда тафаккур ва тил бирлиги моддий қиёфа касб этади.

Кўринадики, борлиқнинг лисоний қиёфа касб этиши ўта мураккаб ва кўп босқичли жараён бўлиб, у қатъий ва узлуксиз кечадиган барқарор алгоритмга эга. Бу алгоритм ўзига хос универсалия бўлиб, ҳар қандай тил учун бир постулат эканлиги билан характерланади.

Адабиётлар:

1. Айтматов Ч. Плаха.- М.: Молодая гвардия, 1987. – 352 с.
2. Вайнштейн С. Личные имено-термины родства и прозвища у тувинцев // Ономастика. – М.: Наука, 1969. – С.128-131.
3. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука. –213 с.
4. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри…дисс. – Т., 2009.-
5. Қодирий А. Ўткан кунлар.- Т.: Ўқитувчи, 1985. –399 б.

Андижон давлат университети,
2016 йил 12 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова)